



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITCH PALATASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
22 апрель
ЧОРШАНБА
№ 32
(12.147)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz


2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

"Сигирнинг сути тилида" дейишади. Тўғри гап. Сигирнинг сути емишига боғлиқ. Аммо, унинг қанча сут бера олишини аслида насли белгилайди. Яъни ҳар бир зотнинг ўз имконият чегараси бор. Айтайлик, жайдари ва насли сигир тенг рационда боқилса ҳам жайдариси наслисига нисбатан икки-уч баравар кам сут беради. Шунинг учун чорвачилик билан шуғулланишни ихтиёр этган фермер бошданок насли мол боққани маъқул.

Кейинги йилларда вилоятимизда моллар наслини яхшилашга эътибор кучайганлигининг боиси шунда. Кўпгина фермерлар чет эллардан сермахсул зотли молларни келтириб, уларни зооветеринария қоидалари асосида парвартиш қилиш ва соғлом насл олишга ҳаракат қилмоқдалар. Утган йили четдан келтирилган зотли моллардан 1412 бош, бу йил эса 300 бошдан зиёд бузюк олинди.

Эндиликда насли молларни фақат четдан келти-

қўлаб-қувватлаш, уларга зооветеринария хизмати кўрсатишни янада яхшилаш, айниқса, зотли молларга эга бўлишларига амалий ёрдам бериш мақсадида жойларда наслчилик ишлари кенг йўлга қўйилмоқда. Барча туманларда эҳтиёжга қараб, зооветеринария хизмати ҳамда сунъий уруғлантириш пунктлари ташкил этилаётган. Бундан ташқари, чорвадор фермерлар учун тез-тез ўқув машғулотлари уюштирилиб, тармоқда юз бераётган ўзгаришлар, илгор таж-



АСЛ ЧОРВАДОР НАСЛИНИ ЯХШИЛАЙДИ

риш эмас, балки олиб келинган ўша моллардан имкон қадар кўпроқ ва соғлом насл олиб, сермахсул зотларни ўзимизда етиштириш ва кўпайтиришга ҳаракат қилинапти. Ҳозир вилоятда наслчилик хўжаликлари 82 тага етди. Уларнинг 63 таси қорамолчиликка, 6 таси қўйчиликка ихтисослашган. Қолганлари паррандачилик, чўчкачилик, йилқичилик ва балқиччилик билан шуғулланмоқда.

Бугунги кунда вилоятда 20 минг 414 бош сермахсул зотли қорамол боқилмоқда. Йилнинг биринчи чоррада улардан 5888 тонна сут соғиб олинди. Эътиборли жиҳати шундаки, ана шу насли сигирларнинг ҳар бири кунига ўртача 22 литрдан сут бераётган.

Айни пайтда чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларини ҳар жиҳатдан



рибалар билан таништириб боришмоқда.

Шундай семинарлардан бири Паркент туманида ўтказилди. Унда республика чорвачиликда наслчилик ишлари давлат инспекцияси, вилоят чорвачиликда наслчилик инспекцияси, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассислари, наслчиликка ихтисослашган фермер хўжалиқлари раҳбарлари иштирок этди. Машғулот қатнашчилари зооветеринария хизмати ва сунъий уруғлантириш пунктлари ҳамда омукта ём сотиш шохобчаларининг иш жараёни билан атрофича танишдилар.

СУРАТАЛАРА: семинар иштирокчилари амалий машғулотлар жараёнида энг сўнгги янгиликлардан хабардор бўлишди.

Даврон АХМАД олган суратлар.

Кўнглимиз ТОҒДЕК КўТАРИЛДИ

Мустақиллик йилларида қарияларни қадрлаш, кекса авлод вакиллари ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш барқарор тус олиб, ҳаётимизнинг муҳим қадриятига айланди. Давлатимиз бизларни сыйлаб, турмуш шароитларимизни яхшилаш, саломатлигимизни тиклаш ва дам олдириш масалаларини изчил ҳал этмоқда.

Уруш қатнашчиларига ғамхўрлик бугунги кунга келиб Ўртбошимиз раҳбарликларида давлат сиёсати даражасига кўтарилдики, айни навқирон йигитлик йилларини фронтдаги жангу жадалларда, ундан кейинги халқ хўжалигини тиклашда ўтказган кексалар бундан кўнглимизда ҳис этиб турибмиз. Давлатимиз раҳбарининг кўни кеча эълон қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнаш-

чиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони ана шу ғамхўрликнинг яна бир кўриниши бўлди. 1941-1945-йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 64 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш юзасидан белгиланган тадбирлар кўнгилларимизни тоғдек кўтарди. Бир марталлик пул мукофотларининг тантанали

топширилиши руҳимизни кўтариб, кучимизга куч қўшади, албатта.

Уруш йилларида қўрган кечирганларимиз ҳақидаги суҳбатларимизни ёшлар мароқ билан тинглашади. Ҳар гал мактаб ёки коллеж ўқувчилари билан учрашганимда бугунги тинч-тотув ҳаётимизни ардоқланг, меҳнаткаш бува-бувиларингизга муносиб фарзанд бўлинглар, деб назира қиламан. Биз ишонимизки, назира-абирларимиз билимдон, ғайрат-шижоатли, асл ватанпарвар йигит-қизлар бўлиб етишадилар.

Бокжон КАРИМОВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.

Тошкентда "Ёшларнинг маънавий қиёфаси, ахлоқ-одоб ва кийиниш маданияти" мавзусида учрашув бўлиб ўтди.

ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Республика Маънавият тарғибот маркази ва Республика дизайн коллежи ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мазкур коллежда тахсил олаётган ёшларнинг турли йўналишлардаги амалий ишлари кўздан кечирилди.

Шунингдек, сўзга чиққанлар бўлажақ дизайнерларга ўз иш услубларида миллийлик акс этган янги либослар коллекцияларини яратишга кўпроқ эътибор қаратишлари лозимлигини таъкидлаб ўтишди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, "Туркистон-пресс".

ЯРМАРКАГА ҲАММА НАРСА ТАЙЁР

Тошкентда шу ойнинг охирида II Республика инновация галереяси, технологиялари ва лойиҳалари ярмаркаси бўлиб ўтди. Ушбу ярмаркани ўтказишдан қўлланган мақсад илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технология лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни саноат ишлаб чиқаришига жорий этишни рағбатлантиришдан иборат.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга таътиб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан ишлаб чиқаришнинг технологик даражасини янада ошириш, рақобатбардор ва сифатли инновация маҳсулотларининг ички ҳамда ташқи бозорга чиқишини таъминлашда инновациялар ярмаркаси муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.


Инновациялар ярмаркаси "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазма мажмуаси павильонларида бўлиб ўтди. Маъмура бошқа ташкилотчилар билан биргаликда ушбу форумни ўтказишга қизгин тайёргарлик кўрмоқда. "Ўзэкспомарказ" миллий кўргазма мажмуаси очик акциядорлик жамияти бош директорининг биринчи ўринбосари Ойбек Миробоев бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди:

— II Республика инновация галереяси, технологиялари ва лойиҳалари ярмаркасини ўтказиш бўйича мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи томонидан тегишли тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга қўра қатор ташкилий ишларни амалга оширишмоқдамиз. Айни пайтда форум иштирокчиларини кўргазма павильонларида жойлаштириш схемаси тайёрланди. Имтиёзли тарифлар бўйича тақдим этиладиган экспозиция майдони ўз маҳсулотларини намойиш этиш учун саноат, ахборот технологиялари, илм-фан ва таълим, фармацевтика, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги тармоқларига тақсимланди. Шунингдек, бу ерда ахборот ва сервис маркази ҳам жойлаштирилди.

Ҳозир асосий павильонни тез қириш ва безаш ишларини амалга оширишмоқда, экспонентлар томонидан тақдим этилган эскизлар бўйича стендлар ўрнатилмоқда, қўшимча ускуналар келтирилмоқда. Павильон ва анжуман ўтказиладиган зал, шунингдек, ярмарка давомида фаолият кўрсатадиган матбуот марказининг электр таъминоти, ёритиш, шамоллатиш тизимларининг техник жиҳозланиш ҳолати текширилмоқда. Матбуот маркази компьютер, нусха кўчириш техникаси, факслар, телефонлар, Интернет билан таъминланган. Бундан ташқари, ярмарка кўнлари доимий ишлайдиган маслаҳат маркази ҳам фаолият кўрсатади. Бу ерда банклар, сугурта компаниялари ва патент идоралари вакиллари иштирокчиларга тегишли тушунтириш ҳамда тавсиялар беради.

Ярмаркада 110 дан ортиқ компания иштирок этади ва улар қарийб 600 та истикболли лойиҳани намойиш этади. Иштирокчилар билан ҳамкорликда турли ахборот материалларини ҳам тайёрлашмоқда.

Белгиланган дастур доирасида ярмарка иштирокчилари учун мавзу бўйича турли семинарлар, тақдимот маросимлари, давра суҳбатлари ўтказиш, шартномалар тузиш, форум уқларини сарфисоб қилиш режалаштирилмоқда.



В. НИКОЛАЕВ, ФАСА муҳбири.

ИҚТИСОДИЁТДА МАМЛАКАТ ҒУРУРЛАНСА АРЗИЙДИГАН УЛКАН МУВАФФАҚИЯТЛАР

Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналарига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли янги асари ҳақида чет эл ҳукумат, ижтимоий ва эксперт доиралари вакиллари таъсиротлари битилган мактублар келиши давом этмоқда.

Италиянинг Гроссето (Тоскана маъмурий бўлини-масига қарашли) шаҳри ҳокими Эмилио Бонифаци ўз мулоҳазаларини шундай ифодалайди: "Ўзбекистон Президентининг асаридида мамлакатдаги иқтисодий вазият, глобал иқтисодий инқирознинг дунёнинг бирон бир давлатини четлаб ўтмаётган даврда мамлакатни янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлини топди борасида ҳукумат олдида турган қўлаб-қувватлаш аниқ ва равшан баён этилди.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистонда қўсқа муддатларда амалга оширилиши мўлжалланган инқироз оқибатларига таъсир кўрсатувчи амалий ташаббусларни тақдир этмоқда. Ўзбекистон Президентининг ҳулоса ва тақдирлари бошқа минтақаларда жойлашган мамлакатларда ҳам муваффақият қозониши мумкин.

Президент Ислам Каримовнинг асарини мутлоқ қилар экансиз, жаҳон молиявий инқирози билан боғлиқ муаммолар, хусусан, глобал инқирознинг Ўзбекистон иқтисодиётига жиддий таъсирини камайтириш мумкин бўлган йўллари излаш масалалари нақадар теран таҳлил қилингандан хайратга тушади. Дунёдаги аксарият ҳукуматларнинг кун тартибига эндиликка киритилган, иқтисодий давлат томонидан тартибга солиш ҳақидаги мавзу Президент китобида кенг муҳокама

қилинади ва муҳим аҳамият касб этади. Тадбиркорлик фаолияти учун кўмак бериш, кредитларни қўлаб-қувватлаш ва давлат томонидан олиб борилган самарали сиёсат Ўзбекистон шароитида молиявий-иқтисодий инқирознинг таъсирини камайтириш борасида танланган йўлнинг тўғри эканлигини кўрсатади".

Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари институти (Исроил) директори Александр Цинкернинг фикрига қўра, Ўзбекистон нафақат Марказий Осиёда, балки бутун Осиёда ҳамда тобора муҳим ўринни эгаллаб келмоқда. Унинг дунёдаги барча мамлакатлар билан амалий асосда ўзаро манфаатли алоқаларни мустақамлаш борасидаги сиёсати ўзининг ҳосилини бермоқда. Эришган улкан иқтисодий ютуқлар халқнинг фахрланиши учун етарли асос бўла олади. Муҳими, иқтисодий барқарорлиқнинг ўсишига ҳеч қандай хом ашё захираларисиз, саноат тармоқларидида босқичма-босқич инновация технологияларга ўтиш натижасида эришилмоқда.

Бугун бутун ер шарини молиявий-иқтисодий инқироз қамраб олган бир шароитда мамлакатнинг ушбу бўҳрон салбий оқибатларига дош бера олишга қодирлиги айниқса муҳим саналади.

Ўзбекистон Президентининг китобида жаҳон молия-

вий-иқтисодий инқирознинг сабаблари ва унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири таҳлил қилинади. Мамлакат томонидан 2008 йилда эришилган юқори иқтисодий кўрсаткичларга қарамадан, Президент Ўзбекистоннинг глобал иқтисодий маконинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланиши ва айни пайтда дунёни чулғаб олган муаммодан четда туриб бўлмаслигини таъкидлайди. Бироқ мамлакат вазиятининг ана шундай тус олишига тайёр турган эди. Дунё иқтисодиётида инқирознинг бошланғич кўринишлари сезила бошлаган вақтдаёқ 2009-2012 йилларга мўлжалланган комплекс дастур ишлаб чиқилди.

Унинг моҳияти шундан иборатки, Ўзбекистон инқироздан қочиб қутилиши мумкин эмас, аммо шунга қарамадан инқироздан мамлакатни янада ривожлантириш мақсадида фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Президент Ислам Каримов томонидан танланган иқтисодиётнинг давлат томонидан бошқарилган ҳолда тадрижий ривожланиши модели Ўзбекистонга инқирознинг салбий оқибатларидан сақланиб қолишга ёрдам берди. Ўзбекистонда давлат иқтисодий ислохотлар ва тезкор ривожланишнинг лозимоти яхшиланган ва унга мураккаб вазифаларини ечиш чўт эмас.

Мамлакат олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг асосий омилли бўҳроннинг биринчи тўқнашига йўқотишларсиз дош бера олган банк тизимини мустақамлаш ҳисобланади. Ҳарбати иқтисодий бош-бошқоқликнинг сабаби айнан банк тизимига ишонсизликдир.

(Давоми 2-бетда).

ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ТАХТ

"Олмалик кон-металлургия комбинати" очик акциядорлик жамиятида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни жадаллаштириш изчил кечмоқда.

Жумладан, яқинда "Қалмоққир" кон бошқармасининг "Сарик чўққи" участкасига 130 тонна юкка мўлжалланган "БелАЗ" автомобиллари учун янги шина ва бошқа эҳтиёт қисмлар келтирилди. Шунингдек, кон хавзасини тўпланадиган сувлардан тозаловчи қурувлар янгиланмоқда.

Мунаввара ИСОКУЛОВА.



«ДЕЛЬФИН» ҚАЙТА ТИКЛАНМОҚДА

Бир вақтлар сўйма ва оромбахш гўшага айланган, кейинчалик қаровсиз ва ташландиқ аҳволга келиб қолган "Дельфин" дам олиш маскани қайта тикланмоқда.

"Олмалик кон-металлургия комбинати" очик акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари ҳашар йўли билан бошлаган бу хайрли иш май ойида якунланди. 300 квадрат метр майдонни эгаллаган сув хавзаси бўйида ўндан ортиқ техника воситасида кум ва бордорлар ётқизилмоқда, зиналар ўрнатилиб, электр тизимлари тикланиб, ободонлаштирилмоқда.

Саид ҲАСАНОВ.

КИТОБДА ГАП КўП

Зангиота туманидаги 34-умумтаълим мактабидида ёш китобхоналар иштирокида маънавият тадбири бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев иштирок этиб, китоблар дунёси, унинг маънавият оламидаги беқийс ўрни ҳақида сўзлади. Янги романи – "Қўшлар салтанатининг шаҳаншоҳи"дан парчалар ўқиб берди. Асарлари 36 тилга таржима қилинган адибнинг қизқарли хўжалиги, шунингдек, тадбирда иштирок этган таниқли шоир ва ёзувчилар, дарс-ликлар муаллифларининг суҳбатлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Муҳаммад ТўЛАГАНОВА.

Мулоҳаза учун мавзу

ФАРЗАНДА ТАРБИЯСИДА ЎЙИНЧОҚЛИКНИНГ ЎРНИ

Ёш авлод маънавий оламини болаликдан эзгу ғоялар асосида шакллантириш, уларга пухта таълим-тарбия бериш, ҳар томонлама қомил инсон этиб вояга етказиш масаласи мамлакатимизда давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Президентимиз Ислам Каримовнинг 1997 йил 6 октябрда қабул қилинган "Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш, барқарор авлоднинг вояга етказиш тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётган.

Ҳурмат, эҳтиром, меҳр-оқибат, ибто-ҳаё ва муомала маданияти билан боғлиқ миллий қадриятларимиз фарзандларимиз маънавиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бунда ўйинчоқларнинг ўрни беқийс.

Мутахассисларнинг фикрича, ўйинчоқ нафақат болани овунтиришга, балки жисмоний ва маънавий қамолоти, асаб фаолияти, тафаккурининг шаклланишига ҳам хизмат қилади. Шу боис ўйинчоқларнинг нафислиги, тоза маҳсулотдан тайёрланганлиги, маънавий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўйинчоқларни фарзанднинг ёшига мос тарзда танлаш муҳимдир. Одатда, бир ёшгача бўлган чақалоқларга

овозли, мусикали ўйинчоқлар – шүкилдоқ, қалейдоскоп, гўдақни қоршағи ундайдиган – коптоқ, шар, меҳнатга йўналтириш учун челақ, идиш-товоқлар, меҳнат қуроллари, беозор техник асбоб-ускуналар тавсия этилади. Фарзанд улғайиб боргани сайин мураккаброк бўлган, ақлни чархлайдиган бошқотирма шаклидаги ўйинчоқлар берилса, унинг ақлий ривожланиши тезлашади. Ўйинчоқлар ёрқин ранг-

ларда бўлса, болада ранг танлай билиш қобилияти кучаяди.

Шифокорларнинг фикрича, ҳар бир ота-она фарзандига ўйинчоқ танлаётганида унинг сифатига, қандай матери-алдан тайёрланганига, ёшига мос келишига алоҳида эътибор қаратиши жуда муҳим. Чунки, таркибиди соғлиқ учун зарарли элементлар мавжуд ўйинчоқлар ҳам йўқ эмас.

(Давоми 4-бетда).

ИҚТИСОДИЁТДА МАМЛАКАТ ФУРУРЛАНСА АРЗИЙДИГАН УЛКАН МУВАФФАҚИЯТЛАР

Шу ўринда, Ўзбекистон Президентини иқтисодиётнинг давлат томонидан бошқарилишига қарамай, инқироздан чиқишнинг йўлини бозор механизмларида, биринчи галда, кичик бизнес соҳасини жадал ривожлантиришда кўради. Бунинг учун ҳатто махсус банк ҳам ташкил этилиб, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқароларга эса зарур солиқ имтиёзлари берилди. Бу асосан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда асосий кучга айланган фермер хўжаликлари ва хизмат кўрсатиш соҳасига тегишли. Фермерлик мамлакатда ўзининг кўпгина жиҳатлари, асосийси, қишлоқ жойларида бандлик муаммосини ҳал этишда ўз самарадорлигини исботлаган. Аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масаласини ҳал этишда давлат қишлоқ жойларида кичик қайта ишлаш корхоналари барпо қилинишига турли йўллари билан ёрдам бермоқда.

Мамлакат ривожланишининг инновацион йўли юқори профессионаллик малакасига эга бўлган янги кадрлар тайёрлашни талаб қилади. Президент Ислам Каримов бунинг

(Давоми. Боши 1-бетда).

жуда яхши тушунади ҳамда давлат томонидан ёшларнинг таълим олиши ва ўрганиши учун салмоқли маблағ ажратилиши тақдир қилади. Ёнг муҳими эса, мен ўйлашимча, инқироз даврида амалий ишчанлик қайфияти зарур. Бу Ўзбекистон Президентини асаридида тўла асосланган, рақамлар ва далилларга таянган ҳолда келтирилган. Собиқ иттифоқ маконидаги янги мамлакатлар билан профессионал тарзда шугулланиб келаётганим боис, мен Ўзбекистонда бир неча марта бўлганман, ушбу мамлакат ва унинг халқига ҳурматим баланд. Ислам Каримовнинг асари эса менга унинг бугунги ва амминанки, ёрқин келажига янада тўлиқроқ ва кўламлироқ назар ташлаш имконини берди.

Туркиянинг "Бахтен" телеканали Президент Ислам Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобиغا бағишланган махсус телекўрсатув тайёрлади.

Кўрсатув бошловчиси Гази университетини профессори Орхан Кавунчининг таъкидлашига кўра, Ўзбекистон минтақасининг ҳақиқий тарихий ва

маданий маркази ҳисобланади. Мамлакат раҳбариятининг буюк аждодлар тарихи ва хотирасига, урф-одатлар ва анъаналарини сақлашга нисбатан юксак эътибори Ўзбекистон халқининг руҳий қудрати, ижтимоий ўзини англаш ва собиққадамлигидан далолат беради. Бундай салоҳиятга эга бўлган мамлакат қўндалик ҳаётда учрайдиган турли микросдаги ҳар қандай муаммо ва тўсиқларни енгишга қодир. Ўзбекистонга молик жидди шундаки, Ўзбекистон Президентининг янги китобида жаҳон молия инқирозининг келажикда қишлоқ жойлари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига ва энг аввало, мамлакат халқи фаровонлигига таъсирини қаматириш усуллари ёритилган.

Ўзбекистон Президентининг асари – бу миллатга мурожаат, бу ўз халқига ишонч, бу шарқона доғиш-мандилининг намойиши. Китобда ёзилганидек, Ўзбекистон хом халқларга қалғимай, аввало иқтисодиётнинг реал секторига эътибор қаратиб, ишлаб чиқариш базасини кенгайтириш ва банк тизимини иқтисодиётнинг мавжуд шарт-шароитига мослаштириш. Бу эса мамлакатнинг жаҳон инқирозини қам қўқотишлар билан

бартараф этишига имкон яратди, – деди туркиялик эксперт.

Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги элчихонасида Президент Ислам Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобининг тақдими бўлиб ўтди.

Украина миллий хавфсизлик ва муҳофаза қенгаши ҳузуридаги халқаро хавфсизлик муаммолари миллий институти директори, иқтисодиёт фанлари доктори А. Власюкнинг фикрича, "Президент китобида айтилган, иқтисодий янгиликларнинг илк даврида давлат бошқаруви усулидан зарур ҳолларда фойдаланиш бўйича Ўзбекистон йўналиши ўзининг оқилона ва диққатга сазовор эканлигини исботлади. Жаҳон инқирози авж олган пайтда Ўзбекистон раҳбарининг тутган йўли шуниси билан эътиборлики, мамлакат илгаридан четдан қарз олиш каби ўйланмаган ҳаракатлардан тийилди ва қисқа муддатли чароғга асосланган кредитларни рад этиб, имтиёзли фойзаларда узоқ муддатли инвестицияларни жалб қилишга эътиборни қайтарди".

А. Власюк асарда айтиб ўтилган экспортда тайёр рақобатдош маҳсулот ҳажмининг ўсишини таъминлашга ҳаракат қилиш, корхоналарни техникавий жиҳатдан модернизация қилишни инвестициялаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, таълим соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш каби ишларни ҳар томонлама қўллаш зарурлигини таъкидлади.

Украина ташқи ишлар вазири ўзининг ҳудудий раҳбарлари директори ўринбосари Н. Нагорний жаҳон молиявий инқирозининг оқибатларини бартараф этиш бўйича Ўзбекистонда амалга оширилётган чоралар ҳақида кенгрок маълумотга эга бўлишда Президент Ислам Каримовнинг китоби долзарб аҳамият касб этишини қайд этди.

У иқтисодиётни ислоҳ этишда давлатнинг ўрнини юқори баҳолаб, Украина шароитида Ўзбекистоннинг тахрибатини ўрганиш ва қўллаш мумкинлигини алоҳида таъкидлади. Экспертнинг сўзларига кўра, энг эътиборлиси мамлакатнинг мавжуд молиявий ресурсларини сановатини муайян лойиҳаларга мақсадли ишлатилишидир.

"Жаҳон" АА.



БУЮРТМАЛАР ВАҚТИДА БАЖАРИЛАЯПТИ

Умида Шукурова биринчи бор қўлига игна олиб, тикиш-бичишни ўргана бошлаган кезларда унга шу касб орқасидан хусусий корхона очсан, дейиши эҳтимол ишонган бўларди.

Лекин ҳаёт қўтилмаган совғаларга бой. Буни қарангки, хозирда қибрайлик Умида Шукурова "Ўз-Ғай" хусусий корхонаси эгаси. 2004 йилда фаолият бошлаган кичик

корхонада 6 киши ишляпти. Улар турли либос ҳамда мавсумий қийим-кечаклар тикишади. Жумладан, пальто, плаш, костюм-шим, куртка каби кийимларга талаб катта. Сабаби улар си-

фатли, бежирим ҳамда нархи бозордагидан анча арзон.

Хуршида НАЗАРОВА.

СУРАТДА: корхона раҳбари Умида Шукурова (ўнганга) янги маҳсулотни кўздан кечиришда.

Даврон АХМАД олган сурат.

ПОЧТАЧИЛАР ЎЗ МАҲОРАТИНИ ОШИРМОҚДА

"Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамиятининг Тошкент филиалида ташкил қилинган ўқув курсида алоқа ходимлари билим ва малакаларини оширмоқда.

Оққўрғон туман почта алоқаси тармоғининг бир гуруҳ алоқачилари ҳам курснинг навбатдаги машғулотида қатнашди.

Биз туманининг 87 миң аҳолисига почта хизмати кўрсатмоқдамиз, – дейди тармок бошлиғи Хусниддин Ботиров. – 34 ходимимиз қарияларга пенсия пуллари вақтида етказиб беришмоқда. Хизмат даражасини яхшилашда "Ўзбекистон почтаси" жамиятида йўлга қўйилган ўқув курсларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Ходимларимиздан яна бир неча нафарини малака оширишга юборишни режалаштирдик.

СОҒЛИҚҚА ЖИДДИЙ ҚАРАГАН МАЪҚУЛ

Республика саломатлик ва тиббий статистика институти олимлари турли хавфли касалликлар билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириб, бу борада бой тажриба орттирмоқдалар.

Илмий муассасанинг вилоят филиали уюштирган семинар-тренинг одам танасида иммунитет танқислигини келтириб чиқарувчи вируснинг олдини олиш масаласига бағишланди. Вилоят касб-хунар коллежлари учун махсус ташкил этилган мазкур семинар доирасида Абу Али ибн Сино халқаро жамғармаси мутахассислари инсон ҳимоя тизимига салбий таъсир кўрсатувчи бу хасталикнинг олдини олиш тўғрисида дара сўбатлари уюштирилди. Махаллаларда ўтказилган шунга ўхшаш мулоқотлар ҳам аҳолининг тиббий саводхонлигини оширишга хизмат қилди.

Ақбар АЛИЕВ.

УЮШМАНИНГ МАҚСАДИ ХАЙРЛИ

Пойтахтдаги "Golden Hill" ресторанида Ўзбекистон ошпазлар уюшмасининг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Уюшма Ўзбекистондаги ресторан хизмати ходимларининг фаолиятини бирлаштириш, уларнинг манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи тизим сифатида 2008 йилнинг охирида ташкил этилган эди. Унинг асосий мақсадларидан бири ресторан хизмати тизимини такомиллаштиришдир.

– Ҳозир мамлакатда ресторани бизнеси тез суръатларда ривожланиб бормоқда. Унинг истиқболлини малакали мутахассислариз тасаввур этиб бўлмайд, – деди Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси раиси Ақбар Умаров. – Афсуски, айни вақтда малакали мутахассислар етишмаяпти. Шу сабаб, уюшма миз юқори маҳоратли ва тажрибали мутахассисларни тайёрлашга ҳам қарайди.

Таъкидлангани, уюшма, айниқса, ёш ошпазларни ўқитишга жиддий эътибор



СУРАТДА: таъмирланган янги бинода дастлабки кеин-кўвлар никоҳдан ўтишмоқда.

Муаллиф олган сурат.

МАҲАЛЛАГА СОВҒА

Бекобод шаҳар ҳокимлиги маҳаллий бюджет ҳисобидан мавжуд 35 та маҳалла фуқаролар йиғинини ҳар бири 1 миллион 200 миңг сўмлик иш мебеллари билан таъминлади.

– Бизнинг «Мустақиллик» маҳалламиз ташкил этилгандан буён хотин-қизлар кенгаши раиси, 2004 йилдан эса диний маърифат, маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаб келаман, – дейди Фотима Мадаминова. – Кейинги йилларда ўзини ўзи бошқариш идораларини замонавий ахборот-техника воситалари билан таъминлаш изчил давом этмоқда.

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ.

Президентимиз Ислам Каримов 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазиранг Маҳкамасининг йиғилишидаги маърузасида аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш каби узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, иж-

2008 йил давомида "Тошкент Телеком" филиали томонидан истеъмолчиларга сифатли телекоммуникация хизматларини кўрсатиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилди.

"Ўзбектелеком" АК ҳамда Хитой Халқ Республикасининг "ЗТЕ" корпорацияси ўртасида имзоланган шартнома доирасида Бўстонлик туманидаги Озодбош, Товоқсой, Искандар, Бурчмулла ва Сижак аҳоли масканларида маънавий ва техник жиҳатдан эскирган аналог телефон станциялари сифатида 2433 абонент рақамига тенг бўлган замонавий рақамли коммутиация станцияларига алмаштирилди. Шу билан бир қаторда Бўстонлик туманидаги Нанай ва Чимён, Янгийўл туманидаги Ортиқов, Турсунқулов, Тинчлик, Бекобод туманидаги Далварзин, Ойбек ва Авангард, Паркент туманидаги Бойқозон, Бўка туманидаги Ачамайли, Юқориқичиқ туманидаги Жумабозор, Оққўрғон туманидаги Маданият аҳоли масканларида эскирган аналог телефон станциялари маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарилаётган "Коинот" ОАЖнинг "Эл-СГМ" русумидаги рақамли абонент концентраторларига алмаштирилди.

Бўстонлик туманидаги географик мукамил рельефларда жойлашган Нанай, Бурчмулла, Сижак ва Чимён аҳоли масканларига ўрнатилган рақамли АТСларни туман марказий АТС билан уланishi шунинг таъминлаш учун станциялараро боғловчи линиялар "Ўзбектелеком" АК ҳамда "Deianey Global Ltd" компаниясини ўртасида имзоланган шартнома доирасида "Winlink – 100" рақамли радиореле қўрилмалари билан жиҳозланди.

Пировадда мазкур ҳудудларда жойлашган аҳоли ҳамда корхона ва ташкилотларнинг шаҳарлараро ва халқаро алоқанинг автоматик боғлиқлигини ташкил этиш имконияти яратилди.

Бундан ташқари, мазкур лойиҳаларни амалга ошириш натижасида қишлоқ ҳудудидида истеъмолчиларга қўриқлаётган телекоммуникация

ЁШЛАРНИНГ БАХТ ОСТОНАСИ

Оҳангарон шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими биносида бу йил бошидан катта ҳажмда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Тантаналар ўтказишга мўлжалланган никоҳни қайд этиш зали тўлиқ қайта таъмирланиб, талаб даражасига келтирилди.

Шунингдек, бу ерга вилоят адлия бошқармаси томонидан янги мебел ва жиҳозлари олиб берилди. Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги томонидан эса бино атрофларига асфальт ётқизилди ҳамда арча қўчатлари экилиб, ободонлаштирилди. Залнинг ички қисми эса ФХДБ бўлими томонидан таъмирланди.

– Биз мана шундай барча қўлайликларга эга бўлган кўркам, замонавий бинода

тимой соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини жадаллаштириш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни тубдан ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим вазифаларнинг умумий йўналишлари белгилан берилди.

Бу борада гап кетганда, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси "Тошкент-Телеком" филиалининг телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича олиб бораётган вазифаларга тўхталиб ўтиш жоиз.

"Тошкент-Телеком":

ҲАРАКАТЛАР КЎЛАМИ КАТТА

хизматларининг фақат сифати ошибгина қолмай, турдош алоқа хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилмоқда. Бугунги кунда, вилоятнинг маҳаллий телекоммуникация тармоғида рақамлаштириш даражасини 85,4 фоизга, ёки 2008 йил бошига нисбатан 4,9 фоизга оширишга эришилди.

Олмалик шаҳри аҳоли масканларини энг сўнгги русумдаги алоқа хизматлари билан таъминлаш бўйича ҳам қўламли ишлар олиб борилди. Хусусан, Ўзбектелеком АК "Ўзбектелеком Мобайл" филиали билан ҳамкорликда CDMA 450 стандартидаги симсиз алоқа тармоғи асосида "Тошкент-Телеком" филиали Олмалик телекоммуникациялар боғламаси микрозонага хизмат кўрсата бошлади. Эндликда бу ҳудудларда яшовчи аҳолининг алоқа хизматларига бўлган талаблари, буюртмаларига биноан турли имтиёзли алоқани таъминлашга эришилмоқда.


Микрозона учун бугунги кунда "ЗТЕ" корпорациясида ишлаб чиқарилган 1454 сонли симсиз станциялар терминаллари хизмат кўрсатмоқда. Мазкур терминаллар микрозонанинг уйига кабел тортишга ҳоҳат қолдирмайди. Унда деярли аниқланган телефон алоқаси сингари барча функция ва қўшимча хизматлар кўрсатиш имконияти мавжуд.

Таъкидлаш жоизки, вилоят аҳолисининг Интернет хизматларига бўлган талаби тобора ортиб бормоқда ва бу



йўналишда ҳам филиал томонидан қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, кенг полсалли Интернет хизматларини жорий қилиш, шунингдек, корпоратив маълумотини узатиш – VPN тармоқларини лойиҳалаштириш мақсадида WiMAX технологияси асосидаги симсиз радиотармоқни қўриш бўйича Олмалик шаҳрига "BreezeMAX 3500" русумидаги қўрилмалар ўрнатилди ва иккита CDMA - 450 база станциялари учун станциялараро алоқа ва тармок ресурслари ташкил этилди.

Яна бир муҳим масала, "Тошкент-Телеком" филиали микрозона учун қўриқлаётган алоқа хизматлари ҳисоб-ҳисобидан филиал томонидан 2008 йили автоматлашган ҳисоблаш билнинг тизими ишга туширилди.



плутация қилинаётган кичик турли сифимдаги телефон станциялари иншоотлари ва уларнинг линия – кабел хўжалиги билан бирга эксплуатация қилиш учун ижарага бериш механизми амалда қўлланилмоқда.

Ҳозирги кунда вилоятнинг Бўстонлик, Паркент, Қибрай, Зангиота, Янгийўл, Уртақичиқ ва Юқориқичиқ туманларида фаолият юритаётган хўжалик субъектлари сони ва мавқеи тобора кенгайиб бормоқда.

Улар томонидан Янгийўл тумани Халқобод, Зангиота тумани Назарбек ҳамда Уртақичиқ тумани Тўғўғиз қишлоқларида Интернет клуб, халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув масканлари ишга туширилди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ҳам филиал олдида қатор вазифалар турибди. Хусусан, асосий мақсадимиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 21 январдаги "Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 2009 йил 26 январдаги "Қишлоқ жойларида телекоммуникация хизмати сифатини тубдан яхшилаш ва телекоммуникация тармоқларини модернизация қилиш, телекоммуникация хизматлари бозориде кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат.



ПАРРАНДА ГРИППИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Мисрда парранда гриппи вирусини юқтирган яна бир одам қайд этилди. Кафр-аш-Шайхда яшовчи бир ярим яшар қизалоқ "Эйч5-Эн1" штамми вирусини юқтирган экан.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 2003 йилдан буён ўндан зиёд мамлакатда турт юздан зиёд киши, жумладан, Мисрда олтимчи олти киши парранда гриппи вирусини юқтирган, уларнинг йигирмадан зиёди ҳаётдан қўз юган. Миср ушбу касаллик тарқалиши бўйича Индонезия ва Вьетнамдан кейин учинчи ўринда туради.

ХАММАСИ ИНҚИРОЗ ТУФАЙЛИ

Германия ҳукумати таълим, қурилиш ва автотомобилсозлик соҳаларини қўллаб-қувватлаш учун 50 миллиард евро ажратди. Фуқароларга енгиллик яратиш мақсадида солиқлар ҳам нисбатан қайтарилди.

Маълумотларга кўра, Германияда экспорт сезиларли даражада пасайган. Бундай ҳолат сўнгги 25 йилда илк бор кузатишмоқда. Экспертларнинг сўзларига кўра, жорий йилда мамлакатда иқтисодий ўсиш қўраткичи турт фойзгача қайтариш мумкин.

ПОЕЗДЛАР ҲАЛОКАТИ

Мексиканинг Мехико штатида темир йўл ҳалокати рўй берган. Оқибатда юздан зиёд одам оғир жароҳатланган.

Қурбонлар сони ҳозирча номаълум. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, фалокатта икки поезд тўқнашуви сабаб бўлган.

РЕКЛАМА ЖОНГА ТЕККАЧ

Испанияда телевизорда реклама бериш вақтини тартибга солуви махсус дастур қабул қилинди.

Унга кўра, давлат телеканалларида бир соатда ўн дақиқадан ортиқ реклама узатиш тақиқланди. Тартибни бузган телеканалга катта жарима солинади. Бош вазир Хосе Луис Родригес Сапатеронинг сўзларига кўра, сўнгги пайтларда давлат телеканалларида реклама ҳаддан зиёд кўпайиб кетган.

Ў.А.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида тобора чуқурлашиб бораётган молиявий инқирознинг сабаб ва оқибатлари республикамиз ҳукумати томонидан тўри баҳоланиб, унга қарши самарали чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Давлатимиз томонидан 2009 йил учун белгиланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига мувофиқ, назорат қилувчи ва бошқа давлат бошқаруви органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асосан ариштирилганга йўл қўймаслик борасида вилоят табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси томонидан ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Текширишларни мувофиқлаштириш ва қонунбузарликларга оид ҳужжатларни расмийлаштириш, солинган жарима ва товон пулларини ўз вақтида ундириш назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2008 йил 30 декабрдаги мажлис баёни билан тасдиқланган режа-жадвалга асосан олиб бориляпти.

Кўмитамиз Кенгаш топшириқларига алоҳида аҳамият қаратган ҳолда, аҳолининг экологик маданиятини янада юксалтириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини қўлайтирмоқда. Хусусан, Ўзбекистон миллий телекомпанияси билан ҳамкорликда дастур ишлаб чиқилди. Унга кўра, жорий йилнинг илк чора-гида телевидениеда 12, радиода 14 марта чиқишлар бўлди. Шунингдек, газета-журналларда 62 та турли мақолалар эълон қилиниб, аҳоли вакилла-

ишро этиш учун ўз билим ва кўникмаларини, тажрибаларини муттасил бойитиб бормоқдалар. Бу борада соҳанинг етук мутахассислари ва бошқа манфаатдор идоралар вакиллари иштирокидаги семинар-тренинглар асосий ўрин тутмоқда. Хусусан, "Минтақадаги экологик муаммоларни ҳал қилишда ҳамкорлики ривожлан-

ишларига ҳам кенг ўрин бериляпти. Айтайлик, худди шу мавзуда "Ўзбекистон" радиоканали орқали 8 та махсус эшиттириш тайёрланди. Телевидениеда мазкур мавзуда ёритилган 6 та лавҳа эфирга узатилди. Вилоятнинг бош наشري "Тошкент ҳақиқати" газетаси билан ҳамкорлик режаси асосида тайёрланаётган махсус

ўтказилиши кўзда тутилган. Айни вақтда 48 та саноат корхоналарида ҳаво, сув манбаларидан 60 та намуна олиниб, идоравий лаборатория билан ҳамкорликда текширилиб, таҳлил қилинди. Натижада, 3 та қонунбузарлик ҳолати аниқланиб, 3 нафар мансабдор шахсга жарима солинди. Сувни ифлослантираётган корхона учун 12,5 миллион сўмлик товон тақдим этилиб, тўлиқ ундириб олинди.

Келажагимиз давомчилари бўлган ёшларимизнинг экологик тарбиясини шакллантириш, уларни она табиатга, атроф-муҳитга эътиборли, меҳрли қилиб вояга етказишга қаратилган вазифалар ҳамisha долзарб бўлиб келмоқда. Шу боис, кўмита томонидан бир қатор ўқув-услубий қўлланмалар чоп этиб, уларни олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабаларига дарслик сифатида тақдим этишни режалаштирганмиз.

Хулоса қилиб айтганда, барча саъй-ҳаракатларимиз кўмитамизнинг Кишлоқ-тарққиёт ва қаровонлиги йилига бағишлаб ишлаб чиққан чора-тадбирлар режасини ўз вақтида, бекаму кўст ижро этишга қаратилган.

Холтўра СУВОНОВ,
вилоят табиати
муҳофазаси қилиш
кўмитаси раиси.



МАҚСАД ТЕКШИРИШ ЭМАС, ТУШУНТИРИШ

ри билан 119 та суҳбат уюштирилди.

Бу борада айниқса, республика табиати муҳофазаси қилиш кўмитасининг "Экология хабарномаси" – "Экологический вестник" журнали билан қилинаётган яқин ҳамкорлик қўл келмоқда. Ушбу нашрда вилоятимиз ҳудудидagi долзарб экологик муаммоларга бағишланган мақолалар доимий равишда чоп этиб келинмоқда.

Кўмитамиз инспекторлари экологик вазиятни яхшилаш, унинг барқарорлигини сақлаш юзасидан кўзда тутилган барча вазифаларни бекаму кўст

тириш" мавзусида нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ўтказилган давра суҳбати гоёта фойдали бўлди. Вилоят табиати муҳофазаси қилиш кўмитасида текширишларни олиб бориш ва қонунбузарликлар ҳақидаги ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш бўйича давлат инспекторлари учун ҳар чоракда ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари орқали қилинаётган чиқишларимизда ҳужалик юритувчи субъектларда ўтказиладиган текширишларни такомиллаштириш борасидаги тарғибот

саҳифамиз ҳам асосан мана шу мақсадга хизмат қилаёпти.

Албатта, вақтида ва асосли ўтказилган текширишлар тизимда олиб борилаётган ислохотлар ва саъй-ҳаракатлар самарадорлигига хизмат қилиши турган гап. Шу боис, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши мажлиси баёни билан вилоятда мониторинг ўтказилиши лозим бўлган корхоналар рўйхати тасдиқланган. Унга мувофиқ вилоятнинг 49 та корхона ва ташкилотларида тегишли тартибда мониторинг

СОҒЛОМ ҲАЁТ УЧУН ХАВФЛИ

Ҳозирги кунда жиддий муаммога айланган люминисцент – яъни носоз ҳолга келган лампаларнинг қаровисиз ҳолда қолиши ва уларнинг нақадар зарарли эканлиги ҳақида ҳеч

Баъзан кўзимиз ҳар ерда ётган кундузги ёритувчи лампаларга тушади. Ачинарлики шуки, бу лампалар уйинқарок болаларимиз томонидан синдирилади ёки айрим шахслар шунчаки маиший чиқиндиларга қўшиб ташлаб юборишади. Бунга оддий ҳолат сифатида қараймиз, парво қилмаймиз. Аммо симоб ва унинг қолдиқлари ўта зарарли таъсир этувчи модда эканлигини бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилати эътироф этмоқда.

Симоб инсон организмига салбий таъсир қўрсатиб, асаб тизими, жигар, буйрак, ошқозон, ичак фаолиятининг бузилишига олиб келади. Лампалар таркибидagi симоб атроф-муҳитни ифлослантириш баробарида, унинг буғлари металллар ва органик моддалар: масалан – мис билан реакцияга киришиб, тирик организмга янада кўпроқ зарар етказиши. Натижада инсон организмидa генетик ўзгаришлар рўй беради.

Шу боис, яроқсиз люминисцент лампалардан ўзимизни ва фарзандларимизни эҳтиёт қилишимиз шарт. Бундай лампаларни алоҳи-

да ажратилган хоналарда талаб бўйича сақлаб, демеркуризация учун тегишли корхоналарга топшириш, уларни факатгина махсус технология қараёна ва махсус ускунада йўқ қилиш мақсадга мувофиқ. Шундай қилингандagina унинг атроф-муҳитга зарарли таъсири 8,5 минг марта камаяр экан.

"Ўзметкомбинат" ва "Бекободцемент" корхоналарида яроқсиз люминисцент лампаларни зарарсизлантириш борасида катта куч ва маблағ сарфланмоқда. "Ўзметкомбинат" бирлашмаси 2008 йилнинг ўзига 7000 дона, "Бекободцемент" ҳиссдорлик жамияти 1200 дона лампани "АСП Селта" корхонаси билан тузилган шартномага асосан зарарсизлантирди. Кези келганда эслатиб ўтмоқчимизки, корхоналарда йиғилиб қолган яроқсиз люминисцент лампалар бўлса бизга мурожаат қилишингиз мумкин. Сизларга бу борада кўмак беришга шаймиз.

Кодир МАВЛОНОВ,
Бекобод шаҳар табиати
муҳофазаси қилиш
кўмитаси раиси.



ШУ СУВНИ ИЧАДИГАН ЎЗИМИЗ

Экологларимизнинг саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, қишлоқ ҳўжалиги ва жамоат уюшмалари билан қилаётган ҳамкорликлари ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Шунинг учун ҳам экологик жиҳатдан бироз таъшишларни бўлган ҳудудларда аҳвол бирмунча яхшиланмоқда.

Шунга қарамай, ҳозирги даврда экологик вазият таоман барқарор эмаслигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Негаки, сувимиз, ҳавоимиз, еримизнинг ташқи омиллардан зарар қўраётгани айниқса, кейинги йиллар яққол намоён бўляпти.

Бундан атиги қирқ-эллик йил илгари вилоятимиз ҳудудидан оқиб ўтаётган

дарё, сой ва ариқлардаги сувни бемалол истеъмол қилиш, рўзгорга ишлатиш мумкин эди. Сувдан заҳарланиш ҳақидаги гап-сўзлар ҳеч қимнинг ҳаёлига ҳам келмасди. Саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ ҳўжалиги, қимёлаштиришнинг жадал ривожланиши, табиий бойликлардан чегарасиз фойдаланиш оқибатида табиат неъматларининг эко-

логик соғлигига путур етди.

Табиатни муҳофазаси қилиш кўмитаси ташкил этилган биринчи кунданок асосий эътиборни минтақадаги экологик муаммоларни ҳал қилишга қаратаётди. Шу мақсадда жойларда минтақавий ва туман табиати муҳофазаси қилиш кўмиталари ташкил этилиб, мутахассис ходимлар билан таъминланди. Улар зиммасига атроф-муҳит муассифолигини сақлаш, табиий манбалардан тежамли ва оқилона фойдаланишга қаратилган аниқ вазифалар юклатилди. Кўмита ташкил бўлгандан

кейин ўтган 20 йил давомида амалга оширилаётган ишлар ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан ўсиб бораётгани кувонарлидир.

Қарс икки қўлдан, деганларидек, бу хайрли вазифалар нафақат соҳа ходимлари, балки, шу сувдан ичиб, ҳаводан нафас олаётган ҳар бир замондошимизнинг виждон амрига айлансагина бизни қийнаётган муаммолар осон бартараф этилади.

Абдукарим АБДУРАҲИМОВ,
Тошкент тумани
табиати муҳофазаси
қилиш кўмитаси етакчи
мутахассиси.

БОЛАЛИКДАН БОШЛАГАН ДУРАСТ

Инсон соғлиги унинг энг катта бойлиги ҳисобланади. Соғлом турмуш тарзимиз атроф-муҳитимиздаги ҳолат, истиқомат қилаётган ҳудудимизнинг экологик муҳити қай даражада эканлиги билан боғлиқ.

Ҳозирги вақтда дунё микёсида юзага келаётган экологик муаммоларни бартараф этиш борасида ҳалқаро ташкилотлар, жумладан БМТ, ЮНЕСКО томонидан бир қанча ишлар олиб борилаётган. Шунингдек, давлатимиз мазкур соҳа учун кадрлар тайёрлашга катта эътибор бераёпти. Хусусан, БМТнинг Барқарор ривожланиш учун таълим бўйича 2005-2014 йилларга мўлжалланган декадаси тавсияларини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Ҳалқ таълими вазирликлари ва Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат кўмитаси қўшма қарорлар қабул қилган. Жумладан, "Республикамизда экологик таълимни ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш ис-

тиқболлари тўғрисида"ги дастур ва концепция, эколог кадрлар тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлаш, ўрта махсус таълимнинг ўқув режаларига тегишли қўшимчалар киритиш, таълим муассасаларида экология мавзусига қаратилган туғараклар, музейлар ташкил этиш тўғрисидаги қарорлар таълим-тарбия жараёналарига тўла татбиқ этиб келинмоқда.

Буларнинг барчаси ёшларимизнинг экологик онгини шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Ҳар бир оила, маҳалла ва таълим муассасасининг узвий ҳамкорлигида экологик таълим-тарбиянинг изчил ривожланиши ёшларнинг табиатга бўлган меҳрини уйғотади, шакллантиради.

Севад ЖўРАЕВА,
Олмалик шаҳар табиати
муҳофазаси қилиш
минтақавий кўмитаси
мутахассиси.

Ана ҳолос

НЕДАН РАНЖИДИНГИЗ, ТИЛСИЗ ЖОНЗОТЛАР?

Жаҳон оммавий ахборот воситаларида инсоннинг табиатга ҳар қандай таъсири ҳақида бири бирдан шов-шувли материаллар кўпаймоқда. Улардан бирида ёзилишича, Австралининг жанубий-ғарбий қирғоқларида 80 дан зиёд кит ва дельфинлар ихтиёрий равишда сувдан ташқарига чиқиб қолган. Ажабланишарки, мутахассислар бунинг дегиз сўт эмизувчиларининг оммавий тарзда ўз жонлорига қасд қилиш ҳаракати, дея баҳолашмоқда.

Экологлар, ветеринарлар ҳамда денгиз жониворларига ёрдам бериш истагидagi кўнгиллилар кўтқариш ҳаракатига тушишларига қарамай, уларнинг 60 дан ортиғи шу тарихка жон таслим қилган. Яшаб кетишига умид бўлганларига эса биринчи ёрдам кўрсатилмоқда. Афсуски, бу ҳаракатлардан деярли наф бўлмаёпти.

Таъкидланишича, бу кейинги бир ойда денгиз жониворлари томонидан оммавий тарзда ўз жонига қасд қилишга бўлган иккинчи уринишдир. Март ойида Кинг оролида 194 та кит ва дельфинлар ўзларини қир-

ғодан ташқарига итқиштигани кузатишган. Ушундан атиги 54 кит ва 5 та дельфинни кўтқариб қолишга арағ эришилган. Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, ўзига бундай қисмати раво қўйилган денгиз жонзотларининг қариб барчаси мовий умонда улкан кемалар паракларидан жиддий яраланишган. Экологлар фикрича, уларнинг бундай айриқабил ҳаракатлари денгизларда сув транспорти қатновини камайтириш ва тартибга солиш талаб қилинган ўзига хос ис-ёни, бўлиши мумкин.

Жамшид ҲАМРОЕВ,
талаба.

ОБОД КЎЧАГА АЙЛАНДИ

Ҳар галгидек фасллар келинчаги баҳор она табиатимизга фусункор гўзаллик бахш этди. Яратувчанлик ва яшнатувчанлик фаслидан илҳомланган замондошларимиз ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига зўр бераётирлар.

Бугун Қорасув қишлоғининг обод кўчалари бутун туманимизга намуна бўляпти. Айниқса, Тошкентга элтувчи катта йўлнинг шу қишлоқдан ўтган қисми беҳиштиёр эътиборни тортади. Худуддаги корхона-ташкilotлар, таълим муассасалари, фермер ҳўжаликлари кўмаги ва албатта, аҳоли жонбозлигида йўл ёқалари тозаланиб, турли чиқиндилардан холос бўлди. Дов-дарактларга бир текис шакл берилиб, янги ниҳоллар, мева-ли ва манзарали дарактлар ўтказилди.

Умуман, бу йилги кўкаламда, Тошкент – Қорасув йўли бўйлаб 46 минг туپдан зиёд терак, 1,5 минг туپ арча, қариб 20 минг дона мевали даракт экилди. Иморатларнинг енгил таъмирланиб, бир текис рангда бўлгани кўча юзига ўзгача фазз берди.

Латоғат ЖУМАБОВЕВА,
ўртачирчик тумани
табиати муҳофазаси
қилиш кўмитаси нозир.

Диққат, «Тоза ҳаво» табири



АВТОМОБИЛЬ ЭГАЛАРИ ЭЪТИБОРИГА

Мамлакатимиз ҳудудидa 10 апрелдан 10 майга қадар "Тоза ҳаво" тадбирининг биринчи босқичи ўтказилмоқда. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш Давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг қўшма буйруғига биноан ташкил этиб келинмоқда.

"Тоза ҳаво" тадбирининг мақсади ҳусусий ва давлат тасарруфидagi автотранспортлардан атмосфера ҳавосига чиқарилаётган зарарли газ ва тутун микдорини кескин камайтиришга қаратилган.

Маълумки, транспортлардан чиқарилаётган зарарли унсурлар таркибидa карбонат ангидрид, углеводород, азот оксиди, алдегид, кўрғошин би-

рикмаси, бензаперин ва курум каби моддалар мавжуд. Уларнинг меъёридан ортиши инсон саломатлигига жиддий зарар етказиши – орақ хасталиги, нафас сиқаш, бош оғриғи хуруж қилади. Айниқса, болаларнинг турли хил касалликларга осон чалинишига сабаб бўлади.

Хурматли ҳайдовчилар! Автотранспортларнинг ўз вақтида диагностика на-

зорати постларида қўриқдан ўтказинг! Бу атроф-муҳитга меъёридан ортиқ зарарли моддалар чиқарилишининг олдини олишга қўшган катта ҳиссангиз бўлади.

"Тоза ҳаво" тадбирининг биринчи босқичи давридаги текширувларда транспорт воситалари эконотоз ҳолатда ҳаракатланаётгани аниқланса, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг бир қатор моддалари талабларига биноан жаримага тортилиши мумкинлиги ёдингизда бўлсин!

Тошкент вилояти табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси.

Яхши хабар

ЗИЁН КАМАЙИБ, ФОЙДА ОРТДИ

Олмаликдаги корхона ва ташкилотларда атроф-муҳит муҳофазаси чора-тадбирларининг бажарилиши шаҳар табиати муҳофазаси қилиш минтақавий кўмитаси томонидан доимий назоратга олинган.

Ўтган йили бу борада 31 та ташкилот-техникавий ислохотлар режалаштирилган бўлиб, йил давомида уларнинг 31 таси тўлиқ бажарилди. Натижада атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ташлаш ҳажми 1420,6 тоннага камайди, сув манбаларидан сезиларли даражада иктисод қилинди.

Биргина "Аммофос – Махсам" ОАЖ томонидан олтингугурт кислотаси ишлаб чиқариш (СК-40)

цехини капитал таъмирлаш ва технология системаларини бутлашга 36 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. 2009 йилда технология ускуналарни сотиб олиш ва монтаж қилишга 8,1 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши режалаштирилган.

Абдураим АЙМАТОВ,
Олмалик шаҳар табиати муҳофазаси қилиш минтақавий кўмитаси раиси.

Очак гап

ДУЧ КЕЛГАН ЖОЙ – ЧИҚИНДИХОНА ЭМАС

Яшаб турган жойларимизни турли чиқиндилар билан ифлослантириш, аввало ўзимиз, қолаверса, келахак авлод соғлигига салбий таъсир қилишини тиббиёт ходимлари мунтазам таъкидлаб келишади. Минг афсуски, баъзи фуқароларимиз, ҳатто айрим мансабдор шахслар ҳам бу масалага панжа орасидан қарашади.

Ҳозирги кунда шахримизда Охангарон дарёсининг сув ҳимоя зонасига, собиқ чўмилиш ҳавзасига, аввалги "Затототот" идораси майдонига, туман маданият уйи орқасига, "Пахтабод" қишлоғига қаватларидаги "Оққўрғон" кўчасидаги зовур ёнига чиқинди ташлаш одат тусига кирди. Вақо-ланки, бундай маиший чиқиндилар учун "Пахтачи" фермер ҳўжаликлари уюшмаси ҳуду-

қариб ташлаш ҳоллари кузатилмоқда. Баъзи корхона-ташкilot раҳбарлари Дўстобод шаҳар Бегимкулов кўчасига жойлашган "Сувоқава" ташкilotи ёнидаги зовурга маиший чиқиндилар ташлашига йўл қўйишган. Энг ачинарлики, шаҳар марказидagi "Дехон бозори"нинг Қўтунов кўчаси томонидa ҳам антика ахлатхона пайдо бўлди. Ахир орасталик бозорлардан бошланиши жоиз эмасми? Табиийки, бу билан Ўзбекистон Республикасининг

"Табиати муҳофазаси қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 22-моддаси талаблари бузиляпти.

Мазкур ҳолатлар юзасидан тегишли чоралар кўрмоқдамиз. Аммо куруқ гап билан иш битмайди. Қўриқлар, Чўки, айрим раҳбарлар ўзларига тегишли ҳудудларда чиқинди тутилишига ҳамон йўл қўймоқдалар.

Мирзабек ЭШОНҚУЛОВ,
Қўйичирчиқ тумани табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси раиси.

Саҳифани вилоят табиати муҳофазаси қилиш кўмитаси мутахассиси Қобилжон СОКИЕВ ҳамда "Тошкент ҳақиқати" муҳбири Файрат ШЕРАЛИЕВ тайёрлади.

Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ●

БИАТЛОНЧИЛАР
БАҲСИ

Чирчиқ шаҳрида ёзги биатлон бўйича Ўзбекистон биринчилиги якунланди. Унда Тошкент шаҳри ва вилоятлардан олтинчи нафарга яқин спортчи иштирок этди.

Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Республика техник ва амалий спорт турлари марказидан хабар қилишларича, эркаклар ўртасида 4,6 минг метрга югуриш ва пневматик милтиқдан отиш беллашувида жаззакандлик Анузар Юнусов ва самарқандлик Жамшид Тиллаев ғолиб бўлган.

Аёллар ўртасида 3,5 минг метрга югуриш ва пневматик милтиқдан отиш мусобақасида эса барча йўналишлар бўйича наманганлик Анна Дреевага тенг келадиган рақибга топилмади.

Наманган вилояти вакиллари умумжамоа ҳисобиди биринчи, жиззахликлар иккинчи, самарқандликлар эса учинчи ўринни қўлга киритди.

Х. САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.

ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимизда эркин ва юнон-рум кураши бўйича Халқаро спорт курашлари федерацияси — ФИЛАнинг "Олтин Гран-при" туркумидан жой олган "Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги" халқаро турнири якунланди.

Мазкур мусобақада йигирмага яқин мамлакатдан келган юздан зиёд полвон ғолиблик учун гиламга чиқди. Иштирокчилар орасида Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирлар ғолиб ва совриндорларнинг кўпчилиги беллашувларнинг кескин ва муросасиз ўтишини таъминлади.

Турнирда мамлакатимиз терма жамоаси таркибиде жаҳон миқёсидаги мусобақаларда юртимиз шаънини ҳимоя қилиб келётган тажрибали курашчилар билан бирга иқтидорли ёшлар ҳам муваффақият

ли иштирок этди. Улар қайд этган натижалар тажрибали курашчиларимизга муносиб ўринбосарлар вояга етатганини кўрсатди.

Тўрт кун давом этган мусобақада ҳамюртларимиз қўлга киритган медаллардан еттидаси юнон-рум курашчилари ҳисобига тўғри келди. Ўз вази фасида барча рақибларини мағлуб этган иқтидорли курашчилар — Элдор Ҳафизов ва Жаҳонгир Мўминов олтин, Санжар Жумаев, Азизбек Муродов, Владимир Гегешидзе кумуш, Суҳбат Ҳўжаев ва Шмага Гулиашвили

бронза медал билан тақдирланди.

Россиялик жаҳон чемпи-

они Билол Махов, Магомед Зубаиров, Ашот Тетерян, украиналик Евгений Хавилов, грузиялик Коба Какаладзе ва эронлик Эҳсон Лашкарий ҳам

"Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги" халқаро турнири шохсупасининг юқори поғонасига кўтарилди.

Беллашувларни кузатиб борган Халқаро спорт курашлари федерацияси президенти Рафаэль Мартинетти, ФИЛА вакиллари, ҳакамлар ва хорижлик меҳмонлар "Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги" мусобақаси юқори савияда ташкил этилгани ва беллашувлар ҳалол, қизгин курашларга бой бўлганини алоҳида таъкидладилар.

Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ,
ЎЗА мухбири.

КОРЕЙС ФИЛЬМЛАРИ
ФЕСТИВАЛИ

Пойтахтимизда 20 апрель куни Корея Республикаси кинофестивали бошланди.

Корея маданияти фестивали доирасида ўтказилаётган мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Корея Республикасининг Маданият, спорт ва сайёҳлик вазирлиги ҳамда ушбу давлатнинг юртимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида санъатларнинг барча турлари, жумладан, кинематография йўналишидаги ҳамкорлик йил сайин кенгаймоқда. Икки мамлакат ижодкорлари Ўзбекистон ва Кореяда ўтказиладиган кинофестивалларда мунтазам иштирок этиб келаётир.

Ўзбекистон кино санъати жадал ривожланмоқда, — дейди корейлик кинорежиссёр Ким Ёнг Сун. — Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган мамлакатнинг бой маданияти ва тарихи билан дунёга машхур. Ўзбек кино усталари суратга олган қатор фильмлар нуфузли халқаро кинофестивалларда совринли ўринларга сазовор бўлаётганидан хабардоримиз.

Мазкур кинофестиваль давомида корейлик кино усталарининг "Тайфун", "Ўт" ва "Қизларга осон эмас" фильмлари намойиш этилади. Улар корейс халқининг турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналари, санъати ва маданияти ҳамда ёшлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

Мадина УМАРОВА,
ЎЗА мухбири.

Эълонлар

Учтепа тумани ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2008 йил 23 майдаги 002051-01-сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "MIOIRA TRADING" масъулияти чекланган жамияти ўз устав фондини 12.888.739 сўмдан 7.100.000 сўмга камайтирганлиги эълон қилади.

Далимов Рустам Усманович номига берилган Шайхонтоқур тумани, Марказ-12 (олдинги Ц-12) мавзеси, 1-уй, 7-хонадонга тегишли бўлган хонадонни олди-сотиш шартномаси (расмий рўйхат китобида 1-3547 сон билан қайд қилинган) йўқотганини сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани, Очил Божоннов кўчаси, 26-уй, 43-хонадонга тегишли, Расуллова Халима Туламонова номига берилган уй ҳужжатлари йўқотганини сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2008 йил 14 ноябрда № 004245-10 реестр рақам билан рўйхатда олинган "YULDUZ SAYDAROVA" (ИНН 300983676) хусусий корхонасига тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси, гувоҳнома, Устав йўқотганини сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан яқка тартибдаги тадбиркор Назаров Элдор Зафаровичга тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқотганини сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2006 йил 10 октябрда № 05-02660 рақам билан рўйхатда олинган яқка тартибдаги тадбиркор Саттаров Мухаммадали Насруллоевичга (ИНН 431506379) тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқотганини сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2008 йил 3 ноябрда № 05-06289 рақам билан рўйхатда олинган яқка тартибдаги тадбиркор Мусаева Наима Джамоловнага (ИНН 483589463) тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқотганини сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

В производстве Шайхантахурского межрайонного суда по гражданским делам г. Ташкента поступило заявление Никитина Владимира Леоновича проживающего по адресу: г. Ташкент, Сабир Рахимоовский район, массив Тансыкбаева-2, дом 10, кв. 5. о восстановлении права по утраченному документу на предьявителя. Утеряна сберегательная книжка и квитанция-вкладыш на № УА 648277 банковского счета ТЗ-73 выданного 14.01.2008 года филиалом Сабир Рахимоовского района Народного Банка г. Ташкента в сберегательной кассе 8050/0526. Держатель данных документов имеет право в трехмесячный срок с 16.03.2009 года подать в суд заявления о своих правах на этот документ.

Ҳурматли
юртдошлар!

2009 йил 24.04 – 07.05

кунлари "Истиқлол" санъат саройида хонанда Озода Саидзоданинг концерт дастури режалаштирилган эди. Маълум сабабларга кўра концерт қолдирилди. Харид қилинган чипталар сарой кассасида қайтариб олинади. Олдиндан узримизни қабул қиласиз.

Тошкент вилояти ҳудудида доимий рўйхатда турувчи адвокатлар томонидан малака имтиҳонини қайта топшириш учун ҳужжатларни Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Мўқимий кўчаси, 190-уй — Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Тошкент вилоят ҳудудий бошқармасига зудлик билан тақдим қилишингиз сўралади.

Малака имтиҳонини қайта топшириш учун зарур бўлган ҳужжатлар:

- Малака имтиҳонини топшириш тўғрисидаги ариза;
- Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортининг ксероносухаси;
- Олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- Талабгор тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган шахсий varaка;
- 3x4 см. ҳажмдаги (сўнгги 12 ой ичида олинган) 2 дона рангли фотосурат.

Маълумот учун телефон: 288-51-19.

Республика Қўчаси мулк биржаси 15 ёшда! "Республика Қўчаси мулк биржаси" ЎАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган, 2009 йил 26 май кунини соат 11.00 да бўлиб ўтadиган очик аукцион савдосига таклиф етadи!

Тошкент вилояти, Пискент тумани суд ижрочилири бўлими томонидан:

1. Тошкент вилоят ҳўжалик судининг 28.05.2007 йилдаги 11-07-05/4494-сонли суд бўйруғига асосан хатланган, Пискент тумани "ПТЗ" ОАЖ корхонасида сақланаётган, 1. "Газ 31029" русумли, д/р 1АЕ377 бўлган, 1993 йилда и/ч авто-транспорт воситаси, Бошланғич баҳоси - 2 433 535 сўм.
2. "КАВЗ 685" русумли, д/р 11АГ673 бўлган, 1994 йилда и/ч авто-транспорт воситаси, Бошланғич баҳоси - 807 489 сўм.
3. Тошкент вилоят ҳўжалик судининг 26.12.2008 йилдаги 11-0825/2097-сонли суд бўйруғига асосан хатланган, Пискент тумани "ПМК-3" корхонасида сақланаётган, 1. "Газ 5312" русумли, д/р 11АХ274 бўлган, 1991 йилда и/ч авто-транспорт воситаси, Бошланғич баҳоси - 1 968 313 сўм.
2. "Газ 5312" русумли, д/р 11АХ275 бўлган, 1990 йилда и/ч авто-транспорт воситаси, Бошланғич баҳоси - 1 180 988 сўм.
3. "Газ 3205" русумли, д/р 11А528 бўлган, 1991 йилда и/ч авто-транспорт воситаси, Бошланғич баҳоси - 2 315 728 сўм.
3. Тошкент вилоят ҳўжалик судининг 19.06.2006 йилдаги 11-0617/6583-сонли суд бўйруғига асосан хатланган, Пискент тумани "Электросеть" корхонасида сақланаётган, "Т-28х4 МС-1" русумли, д/р 68-50ТИ бўлган, 1990 йилда и/ч трактор. Бошланғич баҳоси - 3 629 902 сўм.
4. ЖИВ "Тошкент вилоят судининг 13.03.2008 йилдаги 2-35-08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олмалик шаҳар Ёқилжап устахонасида сақланаётган, "Газ 2410" русумли, д/р Ф3722ТШ бўлган, 1990 йилда и/ч авто-транспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 252 129 сўм.

Тошкент вилояти, Қибрай тумани суд ижрочилири бўлими томонидан: Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг 14.01.2009 йилдаги 1-465-сонли ижро варақасига асосан хатланган 1. Қибрай тумани, Маданият ҚФЙ, Енарик маҳалласи, Г. Қодиров кўчаси, 91-уйда сақланаётган, "3СА20730" русумли, д/р 11V0038 бўлган, 1995 йилда и/ч авто-транспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 8 274 025 сўм.
- 2. Қибрай тумани, Май ҚФЙ, ЎзНИИЖ кўчаси, 5-уй, 12-хонадон манзилида жойлашган, жами 64,92 кв.м. бўлган 3 хонадан иборат хонадон. Бошланғич баҳоси - 14 933 398 сўм.

Шунингдек, 2009 йил 12 майда бўлиб ўтadиган аукцион савдосига такоран, Бек-обод шаҳар суд ижрочилири бўлими томонидан, "Бекобод-

Оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, ҳозир дунё бўйича қўғирчоқларнинг ярмидан кўпроги Хитойда ишлаб чиқарилади. 2008 йилда маҳсулотлари текширувдан ўтказилган уч мингта ўйинчоқ ишлаб чиқариш корхонасидан олти юзтасининг лицензияси олиб қўйилган. Чунки мазкур корхоналарда болалар соғлиги учун зарарли, сифатсиз ўйинчоқлар ишлаб чиқарилаётгани аниқланган. Жумладан, "Mattel" компаниясида тайёрланган айрим қўғирчоқлар таркибидан кўрғошин моддаси топилган. Ачинарлиси, ушбу компания маҳсулотларининг талай қисми четга экспорт қилинган.

2008 йилда Россияда сотилаётган 266 минг хил ўйинчоқ текширилганида йигирма фоизи сифатсизлиги ва санитария нормаларига тўғри келмаслиги аниқланган. Улардан ўткир деталлар ва бошқа захарли моддалар топилган. Бундай моддалар асосан ўйинчоқлар бўлган ранглардан чиққан. Болалар бундай ўйинчоқларни ўйнаш жараёнида улардан захарланмиш ҳолатлари кузатишган.

Шу жиҳатдан мамлакатимизда фарзандларимизни ҳар томонлама фойдала ўйинчоқлар билан таъминлашга, қутилмаган кўнгилсизликларни бартараф этишга қаратилган ишчил чора-тадбирлар амалга оширилаётгани қувонарлидир. Жумладан, хориждан келтирилаётган ўйинчоқлар сифати ва хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хар хил пиротехника воситалари — "ўйинчоқлар"нинг мамлакатимизга олиб қилинишига бутунлай чек қўйилганлиги эса эл-юртимиз тинчлик-осойишталиги, фарзандларимиз камолоти йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлардан бўлди. Мамлакатимизда (Давоми. Боши 1-бетда).

лаштирилган ўйинлар фарзандларимиз учун бугун янгилик эмас. Бундай ўйинлар уларнинг билими, тафаккури бойишига хизмат қилиши табиий, албатта. Аммо баъзи ўйинлар болаларнинг ақлий ривожланишига, фикрлашишга, қолверса, соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Айрим ҳолларда болалар хатто катталарни ҳам саросимага соладиган, шиддатли жанглар, ваҳима-отишмалар билан боғлиқ ўйинларни ўйнаши ҳам сир эмас. Компьютер олдиде узоқ ўтириш ҳам боланинг саломатлигига жиддий зарар етказди.

Психологларнинг хулосаларига кўра, бундай ўйин ва мультфильмлар, қолаверса, қилич, камон, ҳарбий қуроллар, ҳар хил пи-

ротехник ўйинчоқлар бола-да кўпол хатти-ҳаракатлар, жаҳлдорлик, асабийлик ҳолатлари пайдо бўлишига олиб келади. Бироқ ҳамма ҳам бундай ўйин ва ўйинчоқлар фарзандининг қизиқиши ва тарбиясига қандай таъсир кўрсатаётганига эътибор бермайдими. Арзimasдек туолган бу каби ҳолатлар фарзанднинг муррак тасаввурига сингари-ди ва кийиниши, юриш-туришига, тарбиясига аста-

секин таъсир кўрсата бошлайди. Ўзимизнинг мард ва жасур халқ қаҳрамонларимиз, болаларни яхшиликка, эзгуликка, теран фикрлашга undayдиган қанчадан-қанча эрта ва афсоналаримиз бўла туриб, фарзандларимиз бундай ўйинларга берилиб кетаётганларига эътиборсиз қараб бўлмайди. Шу боис Ўртбощимиз раҳнаомлигиде миллий мультфильмлар, болаларни юксак маънавияти, буюк аждодлар ворисларини эканликларини, улардан ўрнак олишларига туртки бўладиган бадиий баркамол асарлар яратилишига алоҳида эътибор қаратиляпти. Ана шундай эътибор самараси ўлароқ, "Алломин", "Тўмарис", "Жалолиддин ҳақида дoston", "Сахий шахзода"

каби кўпплаб мультфильмлар яратилгани қувончли ҳол, албатта. Айни пайтда юртимизда урф-одат ва анъаналаримиз, миллий қаҳрамонларимизнинг ўзига хос феъл-атвори акс этган қўғирчоқлар ишлаб чиқаришига, қўғирчоқсоз хунармандлар учун қулай шaroит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хунармандларимиз яратган Барчиной, Хоразм гўзали, Етти гўзал

каби кўғирчоқлар, аввало, юқори сифати, қолаверса, ёшларимизни миллий урф-одатларга, қадириятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши билан ҳам ахамиятлидир.

Тошкентлик дизайнер Насиб Аҳмедова ана шундай маҳоратли уста-хунармандлардан. Унинг ижод намуналари — Алпомиш, Келин, Раққоса, Машраб каби ибратли қаҳрамонлар, халқимизнинг бой ва бетакрор дунёсини акс эттирадиган ўзбекона кўғирчоқлар бугунги кунда АКШ, Франция, Англия, Россия, Украина каби кўплаб давлатлардаги машхур санъат музейларида сақланмоқда. — Миллий хунармандчилик асосида яратилган ўйинчоқлар, жумладан, кўғирчоқларнинг фарзанд-

ларимизни миллий қадириятларимизга ҳурмат-эҳтиром руҳида камолга етказишдаги ўрни бекиёми, — дейди Н. Аҳмедова. — Давлатимиз ҳарбирининг ташаббуси билан ташкил этилган "Ташаббус", "Базар-арт" сингари анъанавий кўрик-танловлар миллий кўғирчоқларимизни жамоатчиликка намойиш қилиш, меҳнатимизни муносиб рағбатлантиришга хизмат қилаётир. Айни пайтда ҳамкасбларимиз ижоди билан қияндан танишиш, ўзаро тажриба ва фикр алмашиш имконига эга бўлаямиз.

Кўғирчоқларнинг ҳар бир деталиде — тақинчоги, либоси, юз кўринишларида миллийлик акс этиб туришига алоҳида эътибор қаратамиз. Шу боис, уларни "кийинтиришда" атлас, адрас, бекасас, олача, парча, сатин сингари миллий матоларимиздан кенг фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Айни пайтда замонавий кўринишдаги кўғирчоқларимизда ҳам халқимизнинг маънавий руҳини акс эттириш биз, уста-хунармандлар учун шарофдир.

Ҳа, миллий рух билан сургорилган ўйинчоқлар фарзандларимизни мард ва жасур, ақл-идроқда тенгсиз буюк аждодларимизга муносиб бўлиш руҳида тарбиялашда хайли мақсадга хизмат қилади. Зотан, Президентимиз Исрол Каримов таъкидлаганидек, гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажақда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг болалиқда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан ҳам белгиланади.

Шу боис, ўйинчоқларни ишлаб чиқариш ва танлашга алоҳида эътибор билан ёндашиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Гўзал САТТОРОВА,
ЎЗА мухбири.

Қулганга нима етсан?

ТАЛАБЛАРИГА БИНОАН... ҚЎШИҚ

Халқимиз санъатни, айниқса, қўшиқни яхши кўради. Хар қандай инсон ўзининг ёшига қараб, танлаб эшитaди. Масалан, ёшларимизга эстрада қўшиқлари ёқади. Урта ёшдагиларга лирик, ёши улўғ отахон-онахонларимизга мумтоз наваларимиз манзур бўлади.

Улар учун ажойиб кўрсатув ва эшиттиришларимиз бор. Масалан, Ўзбекистон радиосидаги "Талабларингизга биноан" эшиттириши, телевидение-миздаги "Оҳанрабо", "Таранну", "Айтишув" каби кўрсатувлар шулар жумласидан.

Бир кун денг, "Талабларингизга биноан" эшиттиришининг бошловчаси етмишга кирган отахондан интервью оляпти:

— Отаҳон, қандай қўшиқ тинглагини хоҳлайсиз?

Энди болам, "Отаҳон, қаранг-қаранг, энам хали қари эмас" деган қўшиқ бор, шуни эшиттирсанг яхши бўлади. Етмишни уриб кўйган, аммо кўнгли ёш отахон шундай қўшиқ эшитишни истаса,

қолганларга қандай қўшиқлар манзур бўлади? Демак, "Талабларига биноан" бериладиган концертнинг ҳазил дастури:

Хотини қораларнинг талабларига биноан — "Оппок ойм".

Эридан калтак еган аёлларнинг талабларига биноан — "Танангда камтарин аззо бу қўллардир, бу қўллар".

Эрини бегона аёл билан ушлаб олган опаларимизнинг талабларига биноан — "Ер сениники, ё меники, жоним опам".

Йўл-патруль хизмати ходимларининг талабларига биноан — "Биз томонга бир-бир қараб кўй".

Тормоз ишламай қолган тракторчиларнинг талабларига биноан "Ўзимни тўхтатолмайман".

Ота-оналари билан жанжаллашиб, янги уйга кўчиб кетаятган ёш оилаларнинг талабларига биноан — "Юр, муҳаббат, кетдик бу ердан".

Кўп ухлайдиган бўйдоқлар-

нинг талабларига биноан — "Аёл ёрни тушларимда кўрдим фақат".

Аччиқ қалампир еганларнинг талабларига биноан — "Сўнги қийналган ёмон".

Шилқим йигитларнинг талабларига биноан — "Қўйимда бир ёр, қўнғимда бир ёр".

Пайшанба кунини ош еган эркакларнинг талабларига биноан — "Сени бугун кўрмасам бўлмас".

Қарз бериб, ололмаётган йигитларининг талабларига биноан — "Кўринмайсан".

Қулошларнинг талабларига биноан — "Сизнинг айвон бизнинг айвон эмасми?"

Туғуруқхонада ётган аёлларнинг талабларига биноан — "Мана сизга севги азоби".

Беш-олти марта эрга теккан жуовларнинг талабларига биноан — "Аввалгиларга ўхшамас".

Кизиқчи

Абдулла АКБАРОВ

ҳангомаларидан.

Хусан СОДИКОВ чизган расм.

—НЕГА КЕСЯПСАН? —ТОРИК ҚИЯПТИ!..

Частная фирма «AL-FAYN» (ИНН 201070288) зарегистрирован- ный Отделом государственной регистрации субъектов предприни- мательства хокимията М. Улугбекского р-на г. Ташкента распо- ложенного по адресу: г. Ташкент, М. Улугбекский р-н, ул. Э. Мара- имова, д. 56, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (приказ № 1 от 21.04.09 г.).

Претензии принимаются в течении 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОХИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Тадбуотчилар
кўчаси, 32.